

## ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАРДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРНИ БУЗИЛИШИ. (ЛИВИЯ МИСОЛИДА)

*Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар,  
ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий  
таркиб билан ишларни ташкиллаштириш  
кафедраси ўқитувчиси **Норметов Тоҳир***

Иккинчи жаҳон уришидан сўнг жаҳон ҳамжамияти катта фожиаларни юзага келаётган муаммоларни ҳамжихатлик билан ҳал қилиш мақсадида ва бутун мамлакатлар роя қиладиган Халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқдилар.

Халқаро Гуманитар ҳуқуқ ҳужжатлари жаҳонда энг кўп ратификация қилган халқаро шартномалар бўлиб, 191 давлат 1949 йилги Женева Конвенциялари иштирокчиси ва 150 дан ортиқ давлат эса 1977 йил 8 июндаги уларга қўшимча протоколлар иштирокчиси ҳисобланади [2].

Кейинги йиллар давомида халқаро ҳуқуқ нормаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, жаҳон миқёсида бўлаётган ҳар қандай сиёсий жараёнларни, қуролли тўқнашувларни, инсон ҳуқуқи соҳаларини қамраб олади.

XXI асрнинг бошида жаҳон миқёсида юзага келган глобаллашув жараёнида йирик мамлакатларни бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашуви жараёнида халқаро ҳуқуқ нормалари ҳар томонлама бузилаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, бугунги кунда ресурслар учун бўлаётган урушлар нафақат инсон ҳуқуқларини, балки мамлакатларни суверен тенглиги, чегараларини дахлсизлиги каби халқаро ҳуқуқ нормалари баъзи давлатлар томонидан бузилиб, бу давлатларни хаттоки халқаро ташкилотларда ҳам мавқеи ва ҳақ-ҳуқуқи юқори қўйилиб ўз манфаатларига буйсиндирилмоқда.

2011 йилда араб давлатларида юз берган, яъни Тунисдаги “Хурмо”, Мисрдаги “Нилуфар” инқилоблари, шунингдек, Ливиядаги фуқаролар уруши, Суриядаги сиёсий беқарорликлар ҳамда мазкур жараёнда ташқи

кучлар аралашувининг мавжудлиги кенг жамоатчиликнинг турли бахс ва мунозараларига сабаб бўлмоқда.

Хозирги глобаллашув шароитида айрим йирик давлатлар ўртасида гегемонликка интилишни авж олиши **“юмшоқ куч”** элементларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини борган сари кучайтирмоқда. Ана шу воситалар сирасига “рангли инқилоб”лар технологиясини келтириш мумкин. “Рангли инқилоблар”- инқилобларни ноанъанавий, яъни объектив ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузумни модернизация жараёнларидан фарқли ўларок усули бўлиб, у геостратегик ва геосиёсий куч марказларининг манфаатларини авж олдириш, у ёки бу давлатнинг ички ишларига аралashiш, ҳокимият тепасига қўғирчоқ ҳукуматни келтиришнинг ўзига хос йўлидир. Асосий мақсад, инқилобни молиялаштирган ва унинг қонунийлигини эътироф этган ташқи куч фойдасига геосиёсий йўналишни ўзгартиришдан иборатдир.

Келинг бу ҳолатларни қуйидаги давлатлар мисолида кўриб чиқамиз:

**“Араб баҳори”** номини олган рангли инқилоблар давлатларнинг ички ишларига аралашиб, у ердаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни рўқач қилиб **“Демократияни қарор топтириш”** ниқоби билан давлат тўнтаришларини амалга ошириш ва ўзларига муқобил ҳокимиятни шакллантиришни амалга оширмоқдалар.

Бу йўлда халқаро-ҳуқуқ нормаларига ҳеч ким аҳамият бермаяпти, риоя ҳам қилишмаяпти деган хулосага келишимиз мумкин.

Ливия Шимолий Африкада, жойлашган тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакат эди. Табиий қазилмаларга бой, ялпи миллий маҳсулот ўсиши сураъатлари баланд, бу мамлакат геополитик манфаатлари ва даъволари юқори бўлган мамлакатларнинг кураш майдонига айланди.

**“Демократияни олға силжитиш”** ниқоби остида Ливияда сўнъий равишда муҳолифат кучлари яратилди ва мамлакат раҳбари Муаммар Каддафига қарши кураш олиб борди.

АҚШ ва Европа ҳамжамияти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг 1975 йилда қабул қилинган Яқунловчи ҳужжатлари талаблари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормалари қоидаларига амал қилмасдан, 1944 йилги Чикаго конвенциясида кўрсатилган “давлатларнинг хаво чегараси” тўғрисидаги шартномани бузиб Ливия ҳукумати қўшинларига хаводан зарба берилди бошланди [4].

Шу билан бирга ҳаттоки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ҳам бу ҳатти-ҳаракатларни қўллаб, ўзининг резалюциясини чиқарди. Бу резалюция давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилини қўпол равишда бузган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2- моддаси 7- бўлимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларация, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи ҳужжати, давлатларнинг ички ишларига аралашшига йўл қўйиб бўлмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Резолюцияси каби халқаро ҳужжатларда ўзининг янада аниқ баёнини топган [1].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2- моддаси 7-бўлимига мувофиқ Ташкилот **“ўз моҳияти бўйича ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралашши ҳуқуқига эга эмас”**. Бу халқаро ҳуқуқнинг нормаларини қўпол равишда халқаро ташкилот томонидан бузилганлиги кўрсатяпти. *(Масалан, агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши маълум ходисани халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф тугдиради деб ҳисобласа, ушбу ҳаракатга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан амалга оширилган ҳатти-ҳаракатлар давлатнинг ички ишларига аралашши деб қаралмаслиги лозим)[1].*

Ливия ҳукуматига қарши курашаётган кучлар таркибида Халқаро террорчи ташкилотлари жангариларининг иштирок этаётганлиги ҳеч бир халқаро ташкилот ва давлатларни ташвишга солмади.

Демак халқаро ҳуқуқ нормаларини қудратли давлатлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланилаётган воситага айлантириб олганликларини кўрсатиш мумкин.

Бундай ҳолатларга дунёдаги энг нуфузли ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини совуққонлик билан қараши ажобтовур ҳисобланади. Шимолий Африка ва кичик Осиё мамлакатларида юзага келтирилган сунъий урушларнинг азобини тинч аҳоли бошига тушаётганлиги ва улар қочоқларга айланаётганлигини кўриб турибмиз. Бундай ҳаракатлар Қочоқлар иши бўйича Бош Коммисарият бошқармаси нормаларини ва 1951 йил 28 июлдаги **“Қочоқлар маъқоми тўғрисида”** Конвенция 1966 йили Бош Ассамблеянинг қочоқлар маъқомига тааллуқли Протоколни нормаларини кўпол равишда бузилишига олиб келмоқда [9].

## Фойдаланилган адабиётлар

1. 24.10. 1945 й Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави
2. 12.08. 1949 й Жнева Конвенцияси.
3. 26. 09. 1977й 1-қўшимча протоки
4. 18.10. 1907й IV Гаага Конвенцияси “Қурукликдаги уруш қонунлари”
5. 12 08. 1949й “Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги IV чи Женева Конвенцияси
6. 9. 12. 1994й 49/60 сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисида”ги Декларация;
7. 9. 12. 1999 й 51/210 сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги халқаро конвенция;
8. 14.05.1972 й имзоланган “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция;
9. 28.07. 1951й қабул қилинган кўптомонлама “Қочоқлар мақоми тўғрисида” ги Конвенция.
10. 14.05.1954 йил ойида Гаага шаҳрида қабул қилинган “Қуролли можаролар ҳолатида маданий обидаларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция;
11. 6.07.1970 йилда имзоланган “Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш ва уларга бўлган эгаллик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар тўғрисида”ги Конвенция;